НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 28-yanvar, seshanba, 12 (23.292)-son

Кун ҳикмати

Ходимларингиз, фарзандларингиз бекор қолишига изн берманг

Мурожаатнома – бугунги ва эртанги ҳаёт дастури

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида яқин беш йилликда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотлар самарадорлиги, аввало, халқимиз фаровонлиги ва турмуш шароитининг яхшиланиши билан белгиланиши ҳақида сўз юритилди. Мурожаатномани янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги "йўл харитаси" деб билиб, келгуси фаолиятимизни шу асосда олиб борсак, жамики саъй-ҳаракатларимиз тезроқ натижа кўрсатиши шубҳасиз.

Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори:

- Ижтимоий соҳалар, жумладан тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишидаги ишларни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар қачон ўз самарасини бериши мумкин? Қачонки, ишларимиз тизимли олиб борилганда.

Тараққий этган мамлакатлар, масалан, Япония, Швеция ёки Германия аҳолисининг 60-65 фоизини нафақа ёшидаги фуқаролар ташкил этади. Бизда эса аксинча. Бундан тўғри ва унумли фойдаланишимиз керак. Ёшлар ўз салоҳиятини юртимиз келажаги учун сарфлашларига шароит яратиб беришимиз лозим. Токи, биз курашаётган коррупция ва бошқа иллатлар уларнинг келажагига тўсиқ бўлмасин, улар ўзларининг иқтидорларини хорижда эмас, Ўзбекистонда намоён қилсин.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти айни кунда бир неча халқаро хорижий компаниялар билан музокаралар олиб бормоқда, грант лойиҳаларда иштирок этмоқда. Мисол учун, АҚШнинг "Chemonics" компанияси агробизнес, саломатлик, фан ва таълим, шунингдек, иқтисодиёт ва халқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича инновацион лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланувчи йирик халқаро ташкилотлардан бири. Биз улар кўмагида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришишни кўзлаб турибмиз.

Институтда жорий этилиши назарда тутилаётган янги инновацион ғоя – Таълим кластери ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Бу лойиҳа ишларимизни узлуксиз ва тизимли ташкил қилишда катта ижобий натижа бериши аниқ.

Шуҳрат РАҲМОНОВ,
вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи:

- Жорий йилда 4929 нафар ўрта-махсус маълумотли педагогларнинг 750 нафарини олий таълим муассасалари битирувчилари ва қайта тайёрлов курслари тингловчилари ҳисобига босқичма-босқич олий маълумотли кадрларга алмаштириб бориш, олий маълумотли кадрлар улушини 45,1 фоизга етказиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш режалаштирилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида болалар қамровини ошириш мақсадида 41 та мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилади.

Мурожаатномада айтилганидек, илк бор 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий қилиш орқали барча ҳудудлардаги, чекка қишлоқлардаги болаларнинг аксарияти боғчаларга қамраб олинади. Ташкилотларда боғча-оила-маҳалла ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда Кузатув кенгашлари фаолиятини ривожлантириш, ота-оналар иштирокида "Очиқ эшиклар куни"ни ўтказиш ҳам яхши натижа беради.

Саидаҳмад УСМОНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

- Вилоятимиздаги 44 та таянч мактабларида PISA Халқаро тадқиқотларига тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, 30 га яқин мактабларимизда синов тариқасида вариатив (ўзгарувчан) ўқув режани жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларимизнинг республика ва халқаро фан олимпиадаларидаги иштироки, эришаётган натижалари, ўқитувчиларимизнинг малака ва тажрибалари танқидий таҳлил этилиб, ўтган йиллар давомида йўл қўйиб келинган камчиликлар, ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бериш бўйича аниқ вазифаларни амалга оширяпмиз. Ушбу амалий чора-тадбирлар орқали вилоят халқ таълими тизимини республикамиздаги энг етакчи ўринларга кўтариш асосий мақсадимиздир.

Нусрат РАҲМАТ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

- Президентимиз парламентга Мурожаатномасида жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан аллома ва адиб, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасининг кенг нишонланишига алоҳида эътибор қаратди.

Буюк маърифатпарварнинг номи янада улуғланишидан қувондим. Беҳбудий каби буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий, маънавий меросини чуқур ўрганиш ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида улғайтиришда муҳим омил бўлади.

Энди бу эзгу иш янада кенг миқёсда олиб борилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади». Биз, ижодкорлар ҳам бу хайрли ишлардан асло четда турмаймиз.

60 та замонавий автобус ургутликларга хизмат қилади

Ургутнинг чекка қишлоқларини туман маркази ва Самарқанд шаҳри билан боғловчи 17 йўналишида замонавий автобуслар ҳаракатлана бошлади.

Шу муносабат билан Кўксарой майдонида ташкил этилган тадбирда вилоят транспорт бошқармаси муассислигида "Автотранспорт Ургут" давлат унитар корхонаси ташкил этилгани, бу корхонага Транспорт вазирлиги ва банк кредити маблағлари ҳисобидан 60 та "ISUZU" русумли автобус сотиб олингани чекка ҳудудларда яшовчи ургутликларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиши таъкидланди.

- Туман маркази ва Самарқанд шаҳрига бориб келишда йўловчи ташувчи транспорт хизматига эҳтиёжимиз катта эди, - дейди Мерганча маҳалласида яшовчи Назира Ҳамидова. – Ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автомашина ҳайдовчилари ўзлари истаган вақтда ҳаракатланиши, йўл кира нархини ҳам хоҳлаганча белгилаши бизга бир мунча қийинчилик туғдирарди. Энди қишлоқларимизни туман маркази ҳамда Самарқанд шаҳри билан боғловчи автобуслар йўналишининг ташкил этилиши ургутликларнинг кўнглидаги гап бўлди. Тоза, озода, йўл кираси ҳам ҳамёнбоп бўлган янги автобуслар хизматидан фойдаланар эканмиз, бундай имкониятларнинг қадрига ҳам етишимиз керак.

Олис қишлоқларни туман ва шаҳар марказлари билан боғловчи йўналишларда аҳолига замонавий транспорт хизмати сифатини ошириш ва инфратузилмасини яхшилаш мақсадида келгусида бошқа туманлар учун ҳам ана шундай автобуслар ҳаракати йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Улуғбек КАМОЛОВ.

"Янги Ўзбекистон" газетасининг илк сони нашрдан чиқди

Вазирлар Маҳкамасининг "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "Янги Ўзбекистон" газетасининг биринчи сони газетхонлар қўлига етиб борди.

Саккиз саҳифали ушбу нашрнинг илк сонида Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетаси жамоасига табриги эълон қилинган.

Нашр "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш, халқимиз ҳамда халқаро жамоатчилик томонидан "Янги Ўзбекистон", деб эътироф этилаётган мамлакатимиздаги бунёдкорлик ва янгиланишларнинг асл мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида холис хабарларни тезкор ва сифатли етказиш, юртимизнинг глобал ахборот майдонидаги ўрнини мустаҳкамлаш, нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Юртимиз бўйлаб

- Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида маслаҳат хизматлари тўғрисида битим имзоланди.
- Пойтахтимизда "Ўзбекистонда чорвачиликнинг янги даври, истиқболи ва муаммолар" мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда.
- Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 33,9 миллион кишини ташкил этди.
- Кинорежиссёр Нозим Тўлахўжаев "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига кўра, Орол фонида инсон қалбидаги фожиаларни акс эттирувчи "Танҳо қайиқ" бадиий фильмини суратга олди.

Ҳудудларда нима гап?

- Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда Ургут туман давлат хизматлари маркази ходимлари туманнинг Жартепа маҳалласида фуқароларга сайёр тартибда давлат хизматлари кўрсатди.
- 24 январь - Корея давлатида Янги йил байрами муносабати билан Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган бир гуруҳ кореялик талабалар учун байрам тадбири ташкил этилди.
- Вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасида коррупцияга қарши курашиш мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

(Батафсил: www.zarnews.uz сайтида)

Жаҳон айвонида

- ХХР раиси Си Цзиньпин Хитойда ҳалокатли коронавируснинг тарқалиши тезлашаётгани ҳақида маълум қилди.
- Мўғулистонда коронавирус хавфи туфайли мактаблар ва университетлар ёпилди.
- Афғонистонда бортида 83 киши бўлган йўловчи самолёти ҳалокатга учради.
- Ироқнинг Бағдод ва бошқа шаҳарларида америкалик ҳарбийларнинг мамлакатни тарк этишини талаб этиб ўтказилган норозилик намойишларида 12 киши ҳалок бўлди, камида 230 киши жароҳатланди.
- Associated Press Трампнинг Москва ва Киев қарама-қаршилиги тўғрисидаги суҳбати ёзилган видеоёзувни эълон қилди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида тадбиркорларни қабул қилди.

"Ушлаб турилган" эксковатор тадбиркорга қайтариладиган бўлди

Унда ўндан ортиқ тадбиркор ўз фаолиятини юритиш ва кенгайтириш учун ер майдони ажратиш, банкдан кредит олиш, шунингдек, бошқа муаммолар юзасидан вилоят раҳбарига мурожаат қилди.

Жумладан, қабулда Каттақўрғон туманидаги "Пайшанба савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аллаёр Худойбердиев Корея давлатидан шартнома асосида эксковатор харид қилгани, аммо техникани «ТИФ ТН» коди хато киритилгани боис жиноий иш қўзғатилганини билдириб, нотўғри айблов қўйилаётганлиги юзасидан амалий ёрдам сўради.

– Ўтган йили жамиятимиз учун эксковатор харид қилгандик, – дейди А.Худойбердиев. – Техника хариди учун Корея давлатининг " Yunus Ali triede" корхонаси билан шартнома тузиб, пул маблағларини кўчирдик. Шартномага кўра, техникаларимиз Самарқандга етиб келган. Аммо техникамизнинг «ТИФ ТН» коди хато ёзилганлиги боис божхонада ушлаб қолинди. Кўплаб оворагарчилик ва сарсонгарчиликларга учрадим. Мен дуч келган ушбу ҳолат юзасидан вилоят ҳокими тегишли мутасаддиларга топшириқ берди. Тез орада техникаларимни олиб, фаолиятимни давом эттираман.

Қабулда вилоят ҳокими кўрилган масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилади. Аксарият тадбиркорларнинг юқоридаги каби чигал масалаларини жойида ўрганиш бўйича махсус комиссия тузиш бўйича топшириқлар берилди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Матбуот анжумани

241 та тўй низом талаблари асосида ўтди(ми)?

Вилоят Матбуот уйида навбатдаги матбуот анжумани вилоят давлат солиқ бошқармаси, вилоят маҳаллалар кенгаши ҳамда "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси вилоят бўлими раҳбарлари иштирокида ўтказилди.

Унда тўй-маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги низом талабларига амал қилиш ва уни сўзсиз бажариш мақсадида тузилган тўй ва маросимлар ҳамда оилавий тантаналарнинг ўтказилишини назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси штаби, унинг фаолияти ҳақида журналистларга атрофлича маълумот берилди.

- Тўй ва маросимлар ҳамда оилавий тантаналарнинг ўтказилишини назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси штаби аъзолари томонидан тўйлардаги ҳолатлар ўрганиб борилмоқда, – дейди штаб раҳбари Юсуф Салимов. - Ўрганиш натижаларига кўра, жорий йилнинг 20 январигача вилоят бўйича 241 та тўй бўлиб ўтган. Ушбу тўйлар низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, 150-200 нафаргача бўлган фуқаролар иштирокида ўтказилган. Аммо ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бу борада кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаш яхши самара беради.

Матбуот анжуманида вилоят давлат солиқ бошқармаси масъуллари томонидан шаҳар ва туманлардаги мавжуд 334 та тўй-маросимларни ўтказадиган тадбиркорлик субъектларига шартномада белгиланган хизмат нархларини асоссиз равишда оширмаслик бўйича огоҳлантириш хатлари берилгани ва назоратга олингани таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси вилоят бўлими томонидан санъаткорлар фаолиятини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Ўз мухбиримиз.

БУГУННИНГ ГАПИ

Кейинги уч-тўрт ойда ун ва боннинг нархи анча кўтарилди. Хўш, нега нон бирданига салкам икки баробарга қимматлашиб кетди? Нархнинг ошиб кетишига асл сабаб нима?

НОН НЕГА ҚИММАТЛАШДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги "Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 15 октябрдан "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик жамияти тизимидаги ташкилотлар томонидан 2019 йил ҳосилидан тайёрланган ва ун ишлаб чиқаришга йўналтириладиган буғдойдан бошқа ғалла истеъмолчиларининг барча тоифаларига фақат биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилиши белгиланди. Ушбу қарор асосида нон нархлари устидан давлат назорати тўхтатилди. Энди қолипли нон ишлаб чиқарувчилар ҳам маҳсулотини талаб ва таклиф асосида шакллантириладиган эркин бозор нархида сотади. Лекин 2014 йилдан буён қолипли нон нархи деярли ўзгармасдан ўртача 650-700 сўмдан сотиларди, эркин нарх белгилангани нон нархининг икки баробарга ошишига сабаб бўладими?

НОН НАРХИ ҚАЕРДА ҚАНЧА?

Ўтган йил ҳар йилгидан кўра ғалла ҳосили юқори бўлди, демак ун ҳам мўл бўлади. Қолаверса, сотилаётган уннинг сифати ҳам назорат қилинмоқда. Нега унда жойлардаги нон сифати қониқарли эмас? Нархи ҳам ҳар хил.

Самарқанд шаҳридаги ўндан ортиқ дўконга кириб, қолипли нон нархини сўрадик. Асосан, 1400 сўмдан 1600 сўмгача сотилмоқда.

- Боғча тарбияланувчилари учун 1400 сўмдан нон беришади, лекин сифати яхши эмас, - дейди пайариқлик боғча тарбиячиси. – Боннинг оғирлиги қанча бўлишини аниқ билмайман, лекин бизга келтирилаётган нон 350-400 грамм атрофида. Бунинг устига сифати яхши эмас.

Нуробод тумани Наврўз маҳалласи фаоли Пардабой Ҳусановнинг айтишича, туман марказидаги аҳоли асосан қолипли нон истеъмол қилади. Шу боис, марказда учта нон пишириш цехи бор ва улар ўзаро рақобатда бир-биридан сифатли нон пиширишади, нархи эса 1500 сўм.

Қўшработ туманида эса аҳоли асосан хонадонда ёпилган нон харид қилади. Талаб кам бўлганлиги боис жума куни бўладиган бозорда фақат битта жойда қолипли нон сотилади.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда қолипли нон пишириш фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 300 дан зиёд тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган бўлса-да уларнинг 209 таси фаолият юритмоқда.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ 120 ФОИЗ ОШДИ, НОН ЭСА ИККИ БАРОБАР ҚИММАТЛАДИ

Аслида нон нархининг ошишига фақат ун нархининг эркинлаштирилишидан ташқари яна бир нечта омиллар таъсир кўрсатган. Масалан, Бош прокуратура томонидан олиб борилган ўрганишларга кўра, юқоридаги қароргача аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етиштирилган ғалла фермерлардан паст нархларда харид қилинган ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ёпиқ биржа савдолари орқали маҳаллий буғдой уни сотиб келинган. Оқибатда бу фермерлар ва дон корхоналарининг иқтисодий зарар кўриши, улар моддий-техник базаларини яхшилай олмаслиги, ҳосилдорликни оширишга бўлган рағбатнинг тушиб кетишига олиб келди. Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган ғалла нархи 2017 йилда – 550 сўм, 2018 йилда – 750 сўм, 2019 йилда эса – 1420 сўм этиб белгиланган.

Бундан ташқари, ёқилғи, электр энергияси, газ нархининг йилдан-йилга ошиб бориши ишлаб чиқарилаётган уннинг таннархи ортишига олиб келмоқда. Масалан, 2017 йилда ун ишлаб чиқарувчи корхоналарга 1 кВт соат электр энергияси 201,3 сўмдан сотилган бўлса, 2019 йилда 450 сўмни (120,4 фоизга ошган) ташкил этди.

УНГА БЎЛГАН ТАЛАБ ҚАНЧА?

Республикамиз аҳолисининг 2018 йилда унга бўлган йиллик талаби 3,2 миллион тоннани (бир ойлик 267 минг тонна) ташкил қилиб, республикада 2,9 миллион тонна (92 фоиз) ун ишлаб чиқарилган. Қўшимча эҳтиёждаги ун хусусий корхоналар ҳамда Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва бошқа давлатлардан импорт қилиш ҳисобига таъминланади.

Масалага бозордаги бугунги реал ҳолатдан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, қолипли нонга ўрнатилган нарх ончалик ҳам баланд эмасдек туюлади. Ахир, хархаша қилаётган фарзандимиз учун оддий хўрозқандни ҳам 1000-1500 сўмга сотиб оляпмиз-ку?! Аммо оддий ҳақиқат шуки, сувга чанқаган одамгина эҳтиёж сезади. Нон эса ҳар қандай оила кундалик харид рўйхатининг бошида туради. Шу маънода, аҳолининг нон нархига билдираётган муносабатларини тўғри қабул қилиш лозим. Зеро, муҳим истеъмол товарлари, хусусан, ун ва боннинг баҳоси аҳоли харид қобилияти даражасига ҳар томонлама мос бўлиши мақсадга мувофиқ.

ФУҚАРОЛАР УННИ БИРЖАДАН СОТИБ ОЛАДИМИ?

Фурқат ЮЛДАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси вилоят филиали бошлиғи Ўринбосари:

- Вилоятимизда 4 та ун ишлаб чиқарувчи йирик корхона фаолият юритади ва улар ўз маҳсулотини биржага чиқаради. Ҳозирги кунда "Самарқанддон" корхонаси биринчи навли уннинг бир килограмини 2175 сўм, "Оқтошдон" - 2198 сўм, "Жомбойдон" - 2190 сўм ва "Жума элеватори" 2193 сўм бошланғич нарх билан биржа савдосига чиқармоқда. Ушбу корхоналар орасида фақат "Оқтошдон" олий навли унни 2495 сўмдан биржа савдосига чиқаради. Лекин эркин савдога ўтилгач, маҳсулотни қандолатчи, сотувчи, новвойлар ёки қолипли нон ишлаб чиқарувчилар харид қилаётгани аниқ эмас. Фақат нарх барқарорлиги ва турли коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси ва Товар хомашё биржаси келишган ҳолда бир савдо сессиясида бир харидор томонидан сотиб олинадиган миқдорни 5 тонна этиб белгилаган. Биржада бир кунда икки савдо сессияси ўтказилишини ҳисобга олсак, бир харидор кунига 10 тонна, бир ойда эса 220 тонна ун харид қилиши мумкин.

НЕГА УН САВДОСИ БИРЖАГА ЎТКАЗИЛДИ?

Шовқиддин САЙИМОВ,
вилоят давлат рақобат бошқармаси масъул ходими:



- Аввало, сифат назорати, бозор нархларининг сунъий ошиб кетиши ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган унни биржа савдолари орқали сотиш амалиёти жорий этилди. Бу билан ҳар бир киши арзон нархда истаганча ун харид қилиши мумкин, деган хулосага келиш керак эмас. Биржа савдоларида фақат юридик шахс бўлган тадбиркорларгина қатнашади. Янги тизимга кўра биржа савдосида қатнашаётган юридик шахс бир савдо сессиясида 5 тоннагача ун харид қилиши мумкин. Маҳсулотнинг нархи эса талаб ва таклифдан келиб чиқиб эркин савдо асосида шаклланади.

НОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ АСОСИЙ ТАЛАБ НИМА?

Жамшид ДЎСТҚУЛОВ,
Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази вилоят филиали мутахассиси:

- "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган техник регламентга кўра, қолипли нон учун 500 ва 600 грамм стандарт белгиланган. Қолипли нон сифатига талабни белгиловчи стандартга кўра, "Буғдой унидан нон техникавий шартлар" меъёрий ҳужжатида қолипли нон оғирлиги индивидуал ҳолида 3 фоизгача (500 грамли нон учун 485 грамдан кам бўлиши талаб бузилиши ҳисобланади), 10 дона боннинг ўртача оғирлигидан 2,5 фоизгача кам тарафга оғиш чегарасига рухсат этилган. Аммо кўп ҳолларда бу талаблар қўпол равишда бузилиб, боннинг белгиланган нормадаги оғирликдан кам эканлиги истеъмолчининг манфаатига зарар келтирмоқда. Аҳолидан боннинг сифати, вазни, ҳажмига бўлаётган эътирозлар туфайли "Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги департамент ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят филиали ҳамда марказ ходимлари иштирокида жойлардаги қолипли нон ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўрганиш ўтказилди. 42 та корхона ўрганилганда уларнинг 9 тасида 500 грамлик боннинг оғирлиги 400 грамга ҳам етмади ва ҳаттоки 322, 329 грамлик нон тайёрланаётганлиги аниқланди. Фақат учта корхонада 500 грамлик нон талаб даражасидаги вазнда пиширилмоқда. Нон нархлари эса битта корхонада 1000 сўм, қолганларида 1200-1300 ва ҳатто 1500 сўмдан белгиланган ҳам кузатилди ва тегишлича огоҳлантиришлар берилди.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Зарафшон" мухбири.

Ҳоким ва ёшлар учрашувлари самара беряптими?

Чоршанба – ёшлар куни, деб эълон қилиниб, турли учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётганидан буён ўтган уч ҳафта шаҳар ва туманларда 29 марта ҳоким ва ёшлар учрашуви ўтказилди. Бу учрашувларда ёшлар томонидан 286 та таклиф ва муаммолар билдирилиб, 170 таси жойида ҳал этилди.

- Йигирма кун ичида туманимизда икки марта ҳоким ва ёшлар учрашуви ўтказилди, - дейди ёшлар иттифоқи Иштихон туман бўлими раҳбари Анвар Бекмуродов. – 300 нафардан зиёд ёшлар иштирок этган учрашувларда туман ҳокимига 35 нафар йигит-қиз ўз таклиф ва муаммолари билан мурожаат қилди. Муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Жумладан, биринчи учрашув ўтказилган куни 5-умумий ўрта таълим мактаби кутубхонаси учун 130 та китоб, иккинчи учрашувдан сўнг эса уюшмаган ёшлардан бирининг бандлигини таъминлаш мақсадида 4,5 миллион сўмлик замонавий тикув машинаси олиб берилди. Аҳамиятлиси, ҳоким мурожаатлардан келиб чиқиб, тумандаги мавжуд 97 та мактабнинг спорт залларини зарур инвентарлар билан таъминлаш учун йилнинг ҳар чорагида 100 миллион сўмдан маблағ ажратилишини айтди.

Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашидан олинган маълумотларга кўра, 24 январь ҳолатига вилоят ҳокими 4 марта ёшлар билан учрашган ва 40 та муаммо жойида бартараф этилган. Ургут ва Пайариқ туманларида 3, Самарқанд, Тойлоқ, Иштихон, Жомбой, Оқдарё туманлари ва Самарқанд шаҳрида 2, Каттақўрғон шаҳри ва бошқа туманларда бир мартадан ҳоким ва ёшлар учрашувлари ўтказилган.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

2020 МУРОЖААТНОМА

Мамлакатимизда 4-5 миллион аҳоли кам таъминланган ҳисобланади. Бунга барҳам бериш учун Ўзбекистонда Камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилади. Камбағалликнинг олдини олиш учун 700 миллион доллар жалб қилинади.

Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмаси бекор қилинади.

Картошка куяси

экинни ҳосилсиз, маҳсулотни яроқсиз қилади?

Юқори ҳосил олиш ва навларни янгилаш мақсадида баҳорда ҳориждан келтирилган картошка уруғидан экканди.м. Аммо, картошкада қандайдир касаллик пайдо бўлди. Тажрибали деҳқонлар бу картошка куяси эканлигини айтди. Картошка куяси қанақа касаллик ва унга қарши қандай курашиш мумкин?

Аваз НАБИЕВ,
Булунғур тумани.

- Тўғри, ҳозирда деҳқонларимизга катта зарар келтираётган зараркунандалардан бири бу – картошка куясидир. Бу зараркунанда асосан картошка ва итузумгулдошлар оиласига мансуб ўсимликларни далада, омборда, иссиқхоналарда ҳам зарарлайди. Дала шароитида уларнинг капалаклари учиши апрель-май ойларида бошланиб, октябрнинг охиригача давом этади. Урғочилари тухумларини баргнинг орқа қисмига баъзан уруғ куртакка, поя, картошка туганаклари ёки тупроққа қўяди. Улардан қурт чиқиб баргга киради, озиқланиши натижасида барглар узун ғовак йўллар ҳосил бўлади. Бу эса картошкани яроқсиз қилиб, маҳсулот бозоргирлигини йўқотади.

Самарқанд, Тойлоқ, Ургут, Жомбой, Булунғур туманлари вилоятимиздаги асосий сабзавотчилик туманларидан ҳисобланади. Бу каби зараркунандаларга қарши курашиш ва фитосанитар тозаликни таъминлаш ҳамда картошка куясининг бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида жойлардаги карантин инспекторлари ва лаборатория ходимлари билан биргаликда касаллик ўчоғини бартараф этиш ва кўпайишига қарши карантин чоралари кўрилмоқда.

Саволга вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси карантин лабораторияси етакчи энтомологи А.ШУКУРОВ жавоб берди.

Қуёнлар Ер юзининг барча қитъаларида тарқалган ва унинг 50 дан ортиқ тури маҳаллийлаштирилган. Умумий маҳсулдорлигига кўра, қуёнчилик чорвачилик тармоқлари орасида энг сердаромад соҳалардан ҳисобланади.

ҚУЁН БОҚИНГ мўмай даромад оласиз

Оддий қуёнлардан бир йилда 50-60 тагача насл олиш, 50 та тери, 70-80 килограмм гўшт етиштириш мумкин. Зотдор қуёнлардан эса бир йилда 200-300 та наслли қуён болалари, 100 дан ортиқ тери хомашёси ва 400 килограмгача парҳез гўшт олса бўлади.

Паст Дарғом туманида соҳани ривожлантириш ва қуёнчиликни саноат усулида кўпайтириш учун «Дарғом агро великан» масъулияти чекланган жамияти ва "Миржалол" хусусий корхоналари фаолият юритмоқда.

- Уч йил аввал Италиянинг "Мартини" фирмасидан иссиққа чидамли ва сергўшт "Янги Зеландия" зотли 110 бош наслли қуён зотларини келтириш билан фаолият бошлагандик, - дейди "Дарғом агро великан" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Тўлқин Қурбонов. - Бу зотли қуён 65 кунда 2,5-3 килограмгача тош босади, туғилгандан 105 кун ўтиб ўзидан насл қолдириши мумкин. Бир йилнинг ўзида улардан 3,5 мингдан ортиқ зотдор қуён олинди. Ҳозирда корхонамиз туманларимиз ва бошқа вилоятларга ҳам наслли қуёнлар етказиб бермоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, қуён гўшти парҳез маҳсулот ҳисобланиб, қўй, эчки, қорамол гўштига нисбатан енгил ҳазм бўлади, таркибида холестерин моддаси бузоқ гўштига нисбатан 2,4 марта, товуқ гўшти билан таққослаганда 2,7 марта камроқ. Шу боис, аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт-пуфак, ошқозон, жигар, юрак, қон-томир хасталикларида даво бўлади. Истеъмол қилинган қорамол гўштининг 62 фоизи инсон организмида ҳазм қилинса, бу кўрсаткич қуён гўштида 90 фоизни ташкил қилиб, тўлақонли оқсил моддасига эҳтиёжи юқори бўлган ўсмир-ёшлар, аёллар, кексалар учун жуда фойдали ҳисобланади. Терисидан эса саноатда аёллар ва болалар пўстини, нимча, қулоқчинли телпаклар, ёқаликлар, чармли енгил оёқ кийимлари, қўлқоплар, сумкалар тайёрланади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, хонадонда 5 бош қуён боқиб ундан йил давомида 7-8 марта насл олиш ҳисобига қуёнлар сонини мингдан ошириш мумкин экан. Бу эса ўз навбатида ушбу оилада 400 килограмм парҳез гўшт, 700 бош қуён олиш имкониятини беради.

- Ҳозирда туманимиздаги иккита хўжаликда 2900 бош наслли қуён, шундан 680 бош наслли она қуёнлар боқилмоқда,-дейди Т.Қурбонов. - Жорий йилда эса қуёнлар сонини 4400 тага, она қуёнларни 1500 бошга ва улардан 800 дона сифатли тери ва 4 тонна парҳез гўшт етиштиришни режалаштирганмиз.

Олим СОННИБОЕВ.

Фуқароларни ким сарсон қиляпти?

Электр тармоқлари корхонасими ёки Мажбурий ижро бюроси?

Электр ҳисоблагичларни алмаштириш борасида электр таъминоти тизимида улкан ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда истеъмолчиларга ҳеч қандай оғирлик тушаётгани йўқ. Чунки янги электр ҳисоблагичлар электр таъминоти корхоналари ҳисобидан ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолига электр энергияси етказиб берилиши автоматик бошқариш тизими (АБТ) орқали онлайн дастурий тизимига ўтказиляпти. Бу орқали истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланганлиги учун дебитор ёки кредитор қарздорлиги электрон тарзда кузатилмоқда. Агар кредитор қарздорлик аниқланса, истеъмолчи электр энергияси таъминотидан автоматик тарзда узиб қўйилмоқда.

Одамларнинг бош оғриғи айнан шундай кейин бошланмоқда. Нега?

Чунки, тармоқдан узиб қўйилган истеъмолчи қарздорлиги нореал эканлигини исботлаш учун қаерга, кимга мурожаат қилишни билмай сарсон бўлмоқда. Нореал қарздорлик туфайли тармоқдан узилган истеъмолчи бу ҳақда Мажбурий ижро бюроси (МИБ) Самарқанд шаҳар бўлимига мурожаат қилса, у ердан электр таъминоти корхонаси шаҳар бўлимига юборяпти. Ўз навбатида улар бу масала МИБда ҳал бўлишини билдирмоқда. Ваҳоланки, МИБ мажбуриятига, электр таъминоти корхонаси берган маълумотга кўра қарздорликни ундириш киради.

Назаримда, бундай тушунмовчиликларга барҳам бериш, айниқса, истеъмолчилар сарсонгарчилигининг олдини олиш учун икки ташкилот ўз инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириб олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, Президентимиз халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деб турган бир шароитда бундай ҳолат ислоҳотларга соя солиши турган гап.

Фаолиятимиз давомида икки идора ўртасида ахборот алмашинуви тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли овора бўлаётган кўплаб фуқароларга дуч келяпмиз. Мисол учун, Самарқанд шаҳар Чорраҳа кўчаси, 71-уйда истиқомат қилувчи истеъмолчи Кимё Аслиддинованинг қарздорлиги гўё 3 миллион сўмни ташкил қилгани учун бир ҳафта чироқсиз қолган. Ҳолат ўрганилганда ҳақиқий қарздорлик 102 минг сўм эканлиги аниқланган. Ушбу қарз тўланганидан сўнг унинг чироғи ёқилди.

Гўрўғли 2-тор кўча 49-уйда истиқомат қилувчи Тамара Зуеванинг электр ҳисоблагичи алмаштирилганда тўсатдан 2 миллион 900 минг сўм қарздорлик аниқланган. У уч ойдан бери бунча миқдорда қарзи йўқлигини исботлаш учун ташкилотма-ташкилот юрибди.

Айтинг-чи, электр таъминоти корхонаси нур улашса, пулини МИБ ундирса, улардан қайсисидир қилган хато учун нега фуқаро сарсон бўлиши керак? Қонун-қоидани билган фуқаро бундай вазиятларда масаланинг ечимини топиб олади. Аммо на ҳуқуқий саводхонлиги бўлган, на молиявий имконияти етадиган одамларга ким ёрдам беради?

Абдулатиф РАҲИМОВ,
Самарқанд шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

ЖАМИЯТ

КЕЛАЖАКДАН воз кечишнинг йўли кўп

Уларнинг энг ЯХШИси яшашда давом этишдир

XXI асрда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг феноменологияси маълум ўзгаришларга дуч келди ва сифат жиҳатидан ўзгара бошлади. Республикамизда таниқли амалиётчи психолог Зебинисо Аҳмедова таъкидлаганидек, суицид, ўз жонига қасд ва суиқасд тушунчалари ўрнига бу атамаларни «келажакдан воз кечиш ҳаракати» деб аташ вақти етган. Бу мутахассислар ва кенг аҳоли томонидан бирмунча осонроқ қабул қилинадиган факт сифатида психологик ишни осонлаштиради.

Мутахассислар томонидан ўз ҳаётидан воз кечишнинг биринчи хусусияти ҳақида кўп тадқиқотлар ўтказилган. Аввало, бу болалар ва ўсмирларнинг ўз келажагидан воз кечиши. Болаларга келсак, бир қатор мутахассислар бунинг асосий сабаблари оила институтининг инқирози билан боғлиқ, деган фикрга келишмоқда. Бу никоҳнинг бузилишини ва бола билан ҳали ҳам "киндиги бир бўлган" ота-онадан бири ёки иккаласидан ҳам ажралишни англатади. Иккинчи салбий омил – бу ота-оналарнинг ёш болаларга сарф-лайдиган вақтининг кескин камайиши, ота-оналарнинг меҳр-муҳаббати ва эътибори ўрнига болани шубҳали электрон ўйин-кулгилар ва жонсиз гаджетлар билан чалғитишдир. Қўшимча омил сифатида, шу вақтгача ота-онанинг диққат марказида бўлган бола, укаси пайдо бўлиши билан ўзини уларга кераксиз ҳис қилиши ва камроқ меҳр кўришидир.

2010 йилларда мутахассисларнинг эътиборига ўз ҳаётига нуқта қўйишни ижтимоий тармоқларда оммалаштирган "ўлим гуруҳлари" хештеглари пайдо бўлди. 2016 йил ноябрь ойида бундай гуруҳларнинг энг таниқли ташкилотчиларидан бири Филипп Будейкин (Кўк кит) гуруҳи ўспиринларни ўз жонига қасд қилишга ундаганликда айбланиб ҳибсга олинган. У газетага берган интервьюсида, ўспиринларни суицидга ундаганми ёки йўқми деган саволга: "Ҳа. Мен буни ҳақиқатан ҳам қилдим. Лекин улар бахтиёр ҳолда ўлишди. Мен уларга ҳақиқий ҳаётда бўлмаган нарсани бердим: илиқлик, тушуниш, мулоқот", деб жавоб беради. Умуман олганда, руҳий инқироз маълум ҳис-туйғуларнинг етишмовчилиги сабабли ҳосил бўлади. Аввало, ўзаро тушуниш, шахслараро муносабатларнинг илиқлиги фақат нормал оилада шаклланади.

Психиатрия тарихидан маълумки, носоғлом ва ижтимоий хавфли одамлар (маньяклар) ўз ваҳший ва инсониятга нафратли ғояларини астойдил ва ниҳоятда самимий равишда ваъз қилишга мойил эканликлари ҳақида кўплаб далилларни келтирадилар, баъзида улар муваффақият қозонадилар, яъни ақли етарли тараққий этмаган ёшларни ишонтира оладилар.

Бундай одамлар ҳозир барча ерда, бойлар ва камбағалларга бирдек таъсир эта олади. Мактабгача ёшдаги замонавий болалар ижтимоий сюжетли-ролли ўйинлар эмас, балки жонсиз гаджетлар билан ўйнамоқдалар. Бу шахс ижтимоийлашуви ва ўз-ўзини англаш жараёнида катта бўшлиқни ҳосил қилади.

Натижада компьютер боланинг мулоқотга бўлган эҳтиёжини қондирадиган энг севимли объектга айланади. Олдинги авлод ота-оналарининг меҳрини қозониш учун итоаткорлик намойиш этишга уринган бўлса, чексиз ишонадиган, унга боғланган ва ёқишни истайдиган деярли тирик мавжудот сифатида энди гаджетлар идрок этилмоқда. Биз болалар ва компьютерлар ўртасидаги ушбу яқин муносабатга эътибор бермаймиз. Ўлим гуруҳлари яратувчилари бундан фойдаланиб, мақсадли аудиторияга кучли психологик таъсир қилишга ҳаракат қилишади. Асосан, интроверт бўлган ўсмирларга ва ёлғизлик туйғусига эга болаларга таъсир этишда улар кўпинча шундай иборалар қўллашади: "Бу тушунадиган одами йўқ, ўз фикрига эга ва уни эшитишларини истайдиганлар учун ..." ва ҳоказо.

Бу ерда яна бир ўзига хосликни таъкидлаш керак. Интернетдан олдинги даврда ўз жонига қасд қилиш мотиви шахсан эмоционал бўлиб, табиатан худбинона, мерос, муҳаббат, ижтимоий ёки моддий ҳолат ва бошқалар учун курашда атрофдагиларга қаратилган эди. Ҳозирги ҳолатда эса йигит ва қизлар ўз жонига қасд қилишининг ягона сабаби ўз ҳаёти ва тақдири устидан ҳукмронлик қилиш сифатидаги патологик истакларини қондириш кўринишига эга ва у аноним, сабаби маълум этилмасдан амалга оширилади.

Бундан ташқари шуни таъкидлаш керакки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (2011) "ўз жонига қасд қилиш маълум бир одам томонидан онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатларнинг натижасидир", деган таърифидан фарқли ўлароқ ва шу билан бир қаторда, ёш ўз жонига қасд қилиш кўп ҳолларда мутлақо спонтан, ҳиссиёт, таъсирланиш ва онгсиз сабабларга кўра содир бўлади, деб қўшимча киритиш мумкин.

Яна бир ҳолат – рақобат мотиви. XX асрнинг бошларида ушбу мотив Вена университетларида талабаларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини ўрганишда таҳлил қилинган. Унда ижодий касблардаги ёшлар – мусиқачилар ва рассомлар лидерлик қилган. Сабаби "Сальери комплекси" (яъни «Мен Моцарт сингари қобилиятли эмасман») деб таърифланган бу руҳий ҳолат ўзини иқтидорсиз, ночор деб ҳисоблаган, ўзини паст баҳоловчи ёшларда учраган. Кейин Уильям Штекель "бошқа одамни ўлдиришни истамаган одам – ўзини ҳам ўлдирмайди", деган тезисни баён қилди. Собиқ севгилисининг, душманининг ўлишини хоҳлаган одам, онгсиз равишда ижтимоий таъқиққа (психоанализда Супер Эгога) бўйсунади ва бировнинг эмас, ўзининг жонига қасд қилади. Оддий сўз билан айтганда, бу – шахслараро нафрат туйғусидан келиб чиқади.

Илгари суицид бир кишига ва унинг атрофидаги одамларга тегишли алоҳида ҳолат, фожиа сифатида тасвирланган. Аммо ҳозир юзлаб содир бўлган воқеалар суицид сифат жиҳатидан ўзгарганини кўрсатмоқда. Яъни

суицидант ўзи билан бирга кўпчиликнинг ўлимига сабабчи бўлиши ҳолати. Самолётларни олиб қочиш, камикадзелик, оммага ўқ узиб, кейин ўзини отиб ўлдириш кабилар бунга мисол. Бу инсоният агрессивлигининг сифат жиҳатидан янгича намоён бўлиши ва унинг алоҳида кўринишидир. Бу инсониятга нафрат кўринишидаги суицид бўлиб, ҳали етарлича ўрганилмаган.

Психика – бу динамик тизим: одам руҳиятида кеча ҳаммаси яхши бўлса, бугун психик бузилиш кузатилиши ҳам мумкин. Шунинг учун инсон руҳиятини баҳолашда психиатр ва психолог иштирокидаги йиллик комиссия эмас, балки юқори технологияли динамик психологик ва психиатрик текширишни олиб бора оладиган психодиагностик методларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш керак. Албатта, бу ҳозирги вақтда мураккаб вазифа. Бундай мутахассисларнинг танқислиги бизнинг мамлакатимизда ҳали ечимини топмаган. Хусусий психотерапевтик марказлар вазиятни қисман қоплайди, аммо улар аҳолига оммавий бепул ёрдам бера олмайди. Ўзбекистонда ушбу муаммолар билан шуғулланувчи илмий-психологик лабораториялар ва психотерапевтик клиникаларни очиш таълим, кадрлар ва фаннинг долзарб муаммосидир.

Суицидал террорчилар мавзусига қайтсак, бундай жиноий ҳаракатларнинг сабаби, энг аввало, шахснинг бошқалар томонидан тан олинишга патологик ташналик, ўз шахсининг нарцистик қайта баҳоси (яъни ўлимидан кейин одамлар гўё унинг қадрига етиши) билан боғлиқ. Улар шундай қилиб шуҳрат қозонади. Албатта, ушбу ҳолатлар турли мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Буни америкалик психолог профессор Жеймс Фокс шундай тушунтиради: "Америка жамиятида баъзи одамлар атрофдаги дунёдан ғазабланган, ундан умуман ҳафсаласи пир бўлган, ҳаётларини вайрон бўлган деб билишади ва бошқа яшашни хоҳламайдилар. Бу одамлар оила ва дўстлар томонидан руҳий қўллаб-қувватланмайди ва ўзларининг фикрига кўра, улар муваффақиятсизликлари учун жавобгар бўлган ва ҳаётдаги муаммоларни енгиш учун имконият бермаганлардан қасос олишга интиладилар». Психоз никоби остида амалга оширилади суицид ва террор (оммавий қирғин) одатда, иккаласи бир нарса. Бу ҳолат фақат АҚШ эмас, бошқа ривожланган давлатлар учун ҳам хос. Демак, оммавий психоз муаммосини ҳам ўрганиш давр талаби.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Виктор Франкл аҳолининг кенг қатламларида ҳаёт мазмуни йўқотилишини қайд этди. Унинг статистик маълумотларига кўра, депрессия, гиёҳвандлик, алкоголизм ва агрессивлик, автоаварияларга хавфи даражаси ошмоқда. Маънавият ва мафкура тушунчалари ўз кучини йўқотди ва баъзилар энди уларнинг йўқлигига ҳам ишонишди. Албатта, бундай эмас.

Ушбу муаммони ечишда аввало мафкуранинг роли қандай? Биринчидан, ҳар қандай мафкуранинг иккита асосий вазифаси бор. Бу қарама-қаршиликларни йўқ қилишга қаратилган тушунтириш тизими бўлиши керак. Шунингдек, у кундалик ҳаётга маъно бериши ва мамлакатнинг барча фуқароларини шу маънолар атрофида бирлаштириши, келажакнинг ижобий қиёфасини таърифлаши керак. Жамиятимиз мафкураси ёш ва у шунча давр мобайнида ёлғон мафкурага ишониб келганлиги учун халқимиз кучли миллий руҳий жароҳат олди. Бу маънони йўқотиш, ишончни йўқотиш бўлди. 1992 йилдан кейин бизнинг ва қўшни давлатларда ўз жонига қасд қилишлар сонининг юқори чўққиси кузатилди – ҳар 100 минг кишига 46,1 (баъзи минтақаларда 60 нафардан ортиқ), бу аста-секин пасайиб, 2012 йилга келиб 22,4 тани ташкил этди. Ўз жонига қасд қилиш даражаси билан атроф-муҳит ва иқтисодий омиллар, миллий урф-одатлар ва хусусиятлар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилувчи кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо улар сиёсий платформаларда узоқ вақт эътиборсиз қолди.

Замонавий социолог ва сиёсатчилар қайд этганидек, ҳозир бутун жаҳонда моддий статусга эга бўлиш, истеъмолчилик кайфияти, товар фетишизми (яъни бойликка ихлос қўйиш) анъанаси юқори. Бу эса инсоният мафкурасига зид йўналиш. Буюк маърифатчилар бу муаммо илдизларини кўп асрлар илгари англаган ҳамда ўз фикр ва ғояларини билдирган эдилар. Суицидга психологик ёки тиббий муаммо сифатида қараш хавфли анъана бўлиб, у кўпроқ ижтимоий муаммодир. Хулоса шуки, суицид жамият ва алоҳида шахснинг маънавий инқирози билан тўғри пропорционал.

Бу ёқимсиз ҳолат психопрофилактикаси учун ҳозир қўлимизда бор усуллардан бири – Виктор Франкл логотерапиясидир. Экзистенциал психологияда таъкидланганидек, ҳаётдан маъно қидириш ва уни топиш бу йўналишдаги энг самарали йўл.

Албатта, психология ҳамма нарсани идеал даражада башорат қилиб, ёмонликнинг олдини тўлиқ ола олмайди. Инсон ўз тақдирини ўзи яратиб, номаи аъмолига киритиб борар экан, ўз ҳаётини тўғри йўлга солиши ҳам фақатгина унинг ўзига боғлиқ.

Мушарраф САЛОҲИДДИНОВА,
Самарқанд давлат университети доценти.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Чордара агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 23 га. (шундан: 10,3 га. сувли, 7 га. боғзор, 3,7 га. узумзор, 0,7. га. ариқ ва зовурлар, 0,9 га. йўллар ва 0,4 га. бошқа ерлар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 15 февралга қадар қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

* * *

ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Нуробод туманидаги «Нуробод деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдан ташқари таъсисчилар йиғилиши 2020 йил 2 февраль куни соат 11:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишга барча таъсисчиларни таклиф этамиз.

«НУРОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Ўзбекистон тарихи ва маданияти фани бўйича - 1 ўрин;
- Миллий ғоя, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фани бўйича - 1 ўрин.

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, фалсафа доктори (Ph.D) даражали ёки тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар (магистр, дипломли мутахассислар) иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 18-уй. СамДТИ илмий котибияти.

* * *

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «SAMARQAND SHIRIN SUTLARI» оилавий корхонаси (СТИР: 303769947) ўз ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номини «AZIMJON-ANSORJON SERVICE» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «AZIMJON-ANSORJON SERVICE» масъулияти чекланган жамияти «SAMARQAND SHIRIN SUTLARI» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Оби Раҳмат кўчаси, 2-йўлак, 4-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 26 августда 755348 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SHOXIDAXON BOG`CHASI" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "SHOXIDAXON BOG`CHASI" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 27 январдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мароқанд кўчаси, 28-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306666543.

* * *

Самарқанд туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 18 сентябрда 761857 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TUMRAY" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "TUMRAY" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2019 йил 8 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Замир кўчаси, 12-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306715022.

* * *

Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида марҳум Муминова Шаркия Бердиевнага (2019 йил 26 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида марҳум Нарзикулов Равшанбек Юсупбаевичга (2017 йил 19 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Аблокул Гайбуллаевичга (2018 йил 14 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида марҳум Халмурадов Дусанга (2002 йил 2 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй, 41-хонадон.

* * *

Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида марҳум Халимов Каримга (1978 йил 6 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасида марҳум Рустанова Карлыгаш Астановнага (2006 йил 2 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Регистон кўчаси, 38-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фуқаро Давиров Суннат Омоновичга қарашли Самарқанд шаҳри Суғдиёна маскани, 59-уй, 20-хонадоннинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Навоий давлат педагогика институтидан 2000 йилда Очилова Насиба Нематовна номига берилган рўйхат рақами 46, В № 021042 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан 2005 йилда Очилова Насиба Нематовна номига берилган рўйхат рақами 621/м, М № 011698 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ педагогика коллежидан 2011 йилда Исроилова Дилноза Искандаровна номига берилган рўйхат рақами 037, К № 2072548 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нуробод туманидаги "ILMIY TOMCHILATIB SUG'JRISH XIZMATI" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306762851) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 67-ўрта мактабдан 1998 йилда Азимова (ҳозирда Товбоева) Муқаддас Усановна номига берилган O'R-D № 731814 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Махмудова Дилафруз Абдухакимовна якка тартибдаги тадбиркорнинг (СТИР: 458236921) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «DEER OCEAN CONSTRUCTION» масъулияти чекланган жамияти номидан Мирзаев Муталиб Латипович ва Жамолов Шерзод Садритдиновичлар ўртасида 2019 йил 26 декабрда Самарқанд шаҳри Ш.Руставелли кўчаси, 4-«А» уй, 9-хонадон учун тузилган, Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланиб, 5178 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги "MUKUMIY SERVICE" оилавий корхонасининг (СТИР: 302161677) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик коллежидан 2016 йилда Қаршиев Рифат Равшанович номига берилган рўйхат рақами 919, № 4264117 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 1997 йилда Кобилов Хусен Абдусаматович номига берилган U № 005483 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ёзувчилар уюшмаси аъзоси Исмат Санаевга укаси, таниқли рассом **Иброҳим САНАЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси институт роман-герман тиллари факультети кафедра мудири Назокат Содиқовага отаси **ҒАФФОР бобо**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институт медицина ва биологик кимё кафедраси собиқ профессори **Мелик ДАВРОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети академик лицейи жамоаси академик лицей рус, немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Ғолибжон Иргашевга онаси **Бувисалима ТУРОНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТАЪЛИМ, ТАЛҚИН, ТАДҚИҚОТ

Тойлоқ туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабида каратэ бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Шаҳзод Мелиқулов "Ёшлар - келажагимиз" дастури асосида 250 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фитнес клуб ташкил этди. Бу ерда нафақат ўқувчилар, балки маҳалла аҳли ўз саломатлиги учун машғулотлар олиб бормоқда. Эътиборлиси, машғулотларда қатнашиш мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун бепул.

- Мактабимиз "Обод қишлоқ" дастури доирасида 3 миллиард 400 минг сўм эвазига таъмирланди, - дейди мактаб директори Қобил Убайдуллаев. – Ўқувчиларимиз кенг, тоза ва шинам хоналарда ўз билимларини оширмоқда. Мактабда ташкил этилган китобхонлик, спорт ва турли тўгаракларга 200 нафар ўқувчи жалб этилган. Кутубхонамиз ҳам бадиий китобларга бой. Шунинг учун ўқувчиларимизнинг китобхонлик даражаси ортмоқда. Масалан, 3-синф ўқувчиси Фарангиз Сатторова Муҳаммад Юсуфнинг 50 дан зиёд шеърини ёд олган.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

Аждодларимиз яратган фонологик ёзувга асосланган алифболар тараққиёти узоқ тарихга эга. Сўнгги йилларда туркий ёзув ва унинг тарихига доир янги маълумотлар ва янгича қарашлар юзага келиши туркий-рун ёзуви ҳақидаги анъанавий ёндашувларга ўзгаришлар киритмоқда. Бунга XX асрнинг 60-70 йилларида турли тадқиқотлар асосида, хусусан, археологик изланишлар туфайли юзага келган янги маълумотлар сабаб бўлган эди.

Қадимги туркий-руний ёзувлар

ҳақида янги маълумотлар

Хусусан, бундай топилма Олмаотадан 50 километр шарқда, Иссиқ дарёси соҳилида 1970 йилда олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган. Битик тепаликдаги қабрдан чиққан кумуш қўзачада ёзилган. Олимлар ушбу битикни қадимги туркий-рун ёзувига ўхшатиб, Марказий Осиё туркий-рун ёзуви, деб қарашган. Бу ёзувни милоддан аввалги V-IV асрларга хос деб, «Иссиқ ёзуви» ёки «Иссиқ қўрғони ёзуви» номи билан аташган ва илм-фанда шу номлар билан машҳур бўлди.

Ўзбек ёзувшунос олимлари Насимхон Раҳмонов, Боқижон Матбобоевларнинг «Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари» номли илмий-оммабоп рисоласида Ўзбекистондан 20 дан ортиқ туркий-рун ёзувидаги матн парчаларининг топилиши, уларнинг жаҳон илм-фанига маълум бўлиши, машҳур шарқшунос, ёзувшунос олимларнинг диққатини жалб этиши ва илмий жиҳатдан талқин қилиниши ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Бундай битикларни Ўрхун-Энасой ёзувига ўхшашлигини, уларнинг тил хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб ўрганилиши натижаларига қараб, туркий-рун ёзувларининг қадимий ватани бугунги Ўзбекистон эканлиги таъкидланган.

Аслида бундай ёзувларга тегишли фикр-мулоҳазалар «Иссиқ ёзуви»дан олдинроқ, 1954 йилда француз археологи А.Марик томонидан бир идиш парчасида битилган ёзув асосидаги тадқиқотидан бошланди. Бу битик илк бор «номаълум ёзув» номини олган. 1966 йилда Г.А.Пугаченкова ҳам Холчаёндан «номаълум ёзув» лавҳасини топади. Бу ёзув ҳам анча вақтгача ўқилмай, номаълумлигича қолди. 1967 йилда франциялик геолог А.Бутнер Афғонистон ҳудудидаги (Кобулдан 70 километр шимолий-ғарбда) Дашти Навур қоясига ўйиб битилган катта ҳажмдаги «номаълум ёзув» намунасини топган.

1969 йилда Ж.Фюсман бу битикни ўқишга киришади. Унинг фикрича, битик милодий биринчи асрга тегишли бўлиб, у уч тилда, яъни юҳарошта, юнонча графика асосидаги бақтарча ва номаълум тилда ёзилган эди.

Бақтар ёзуви эса 279 йилда битилганлиги кўрсатилган экан. Санкт-петербурглик олим «номаълум ёзув» ҳақида фикр билдириб, уни милоддан аввалги V-IV асрларга хос бўлган «Иссиқ ёзуви»ни ўзида гавдалантиради, деб ҳисоблайди.

Машҳур тилшунос олим Ж.Фюсман бу хат ўнгдан чапга қараб ёзилишини, Сурх-Котал ва Холчаён ёзувлари билан бир эканлигини исботлайди. 1972 йилда археолог К.Акишев машҳур «Иссиқ» қўрғонидан топилган милоддан аввалги IV-III асрларга тегишли кумуш косага битилган ёзувни аниқлайди, тилшунослар уни ҳам «номаълум ёзув» сирасига қўшадилар. Бу ёзувнинг битилган даври ва ўқилишида мутахассислар орасида ҳар хиллик бўлса-да, «Иссиқ» қўрғони тарихи милоддан аввалги III асрдан кам эмаслиги масаласида иккиланиш бўлмади. «Иссиқ ёзуви», «номаълум ёзув» тарқалган тарихий-маданий минтақалар географиясига ҳам аниқлик киритилди. Бу ёзув намуналари жанубий Ўзбекистоннинг Хотинработ, Қоратепа, Фаёзтепа, Тўққизтепа, Кампиртепа, Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум битик ёдгорликларида акс этган.

«Иссиқ ёзуви» ва «номаълум ёзув» ёдгорликларини академик Э.В.Ртвеладзе юечжи қабилалари билан боғлайди. В.А.Лившиц эса сакларга тегишли, дейди. Шу билан бирга, «Иссиқ ёзуви» Кушон империяси ёзув тизимининг расмий шаклларидан бири, деган хулосага келади. Кейинги йилларда тадқиқотчилар бу ёзув энг қадимги туркий ёзув бўлиши керак, деган фаразларни ўртага ташладилар. Масалан, А.С.Осмонжўлов «Иссиқ ёзуви» туркий ёзув эканлигига шубҳа қилмайди.

Э.В.Ртвеладзе «номаълум ёзув» тилини аниқлаш атрибутикасига тузатишлар киритади. Ҳар ҳолда «номаълум ёзув»нинг тарқалиш географияси ҳам унинг юечжи номли туркий қабилаларга мансублигига шубҳа уйғотмайди, дейди. Чунки юэчжи қабилалари туркий бўлиб, аслида Марказий Осиёда (Туркистон ва Қанғ, Даван давлатларида ҳам) яшаганлиги, уларнинг қариндошлари хўнларнинг сиқуви остида, аввал Еттисувга, сўнг Бақтрияга келиб қолганлиги тарихий манбалардан маълум. Э.В.Ртвеладзенинг ёзишича, «номаълум ёзув»нинг асосий ватани Тоҳаристон бўлиб, давр жиҳатидан милоддан аввалги V-IV асрдан милодий VII-VIII асрларни қамраб олади.

Дарҳақиқат, «номаълум ёзув» Ўрта Осиёнинг жанубий-шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий-ғарбида шаклланган кўринади. Бу ёзув ёдгорликларининг тарқалиш минтақаси «Иссиқ» қўрғони ҳудуди ва Еттисувдан жанубга Ҳиндикушгача, шарқдан шимолий Афғонистонгача, ғарбдан шарқий Туркманистонгача ёйилган. Фаолият доираси эса милоддан аввалги III асрдан милодий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олади.

1978 йил Афғонистон ҳудудидаги археологик изланишлар пайтида қадимги Ойхонум шаҳрида милоддан аввалги II асрга хос яна бир битик топилган. В.А.Лившиц «Иссиқ ёзуви»га ўхшаш бу битикни VII-VIII асрларга хос деб қарайди. Худди шу ёзувда битилган ёдгорлик Туркманистон (Марв)дан ҳам топилган.

Хуллас, илм-фанда олимлар ўртасида VI-VIII асрларга хос туркий-рун (урхун-енисей) битикларининг илк бор топилганида, унинг ёзуви, тили, юзага келган даври, ўрни ва тарқалиш ҳудудлари каби масалаларда мунозарали фикр-мулоҳазалар анча вақт давом этгани каби Марказий Осиёдан топилган қадимги битиклар «номаълум ёзув»лар номи билан қайси тилга тегишлилиги ҳақида ҳам шундай мунозаралар давом этди. Шу боис, юқорида қайд этилган фикрлар ва маълумотлар турличадир.

Шунга қарамай, ўзбек ёзувшунослари «номаълум ёзув»ларни ўрганишни давом эттириб, ҳақиқатга яқин фикрларни айтмоқдалар. Насимхон Раҳмонов ва Боқижон Матбобоевлар фикрича, «Иссиқ ёзуви»ни ўрганиш, тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, у Марказий Осиё туркий-рун ёзувининг илк намунаси, ҳарф ва товуш (фонографик) ёзувининг мукаммал кўринишидир.

Буни Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларидан, жумладан, ўтган асрнинг 80-йилларида Бақтрия давлати ҳудуди (Сурхондарё)дан, хусусан, Фарғона водийсидан, айниқса, Кампиртепа, Кўҳна Термиз, Қўштепа каби кўплаб ҳудудлардан топилган битиклардаги ёзув намуналари «Иссиқ ёзуви» анъанавий равишда давом этганини тасдиқлайди.

Жумладан, машҳур турколог И.Кизласов туркологияда янги фикр айтган эди. У «Исфара ёзуви»ни бутун Ўзбекистон ҳудудидан топилган туркий-рун ёзувлари учун асос бўлган деб қараган. Исфара дарёси соҳилидан топилган ёзув ёдгорликлари ҳам, хусусан, туркий-рун ёзувлари топилган жойлар Фарғона водийси номи билан тилга олинади. Демак, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳам туркий-рун ёзувининг ватани бўлган, деган мулоҳаза ҳақиқатга яқиндир.

Усмон САНАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

2020 МУРОЖААТНОМА

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизими жорий этилади.

Янги ўқув йилидан мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Муштарий эътирофи

Вилоятимиз туманлари, қишлоқ, маҳаллалар ҳаётидан, янгиликлардан, кашфиётлардан ўз вақтида хабардор қилиб бораётган «Зарафшон» газетасининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман.

Сен тарихнинг кўзгусисан, «Зарафшон»им

Қўлимга олиб, ҳар бир сатрини катта қизиқиш, зўр иштиёқ билан мутолаа қиламан. Узоқ йиллардан бери газета билан биргаман.

У босиб ўтган тарихий йўлни ўйлаганимда, дилимдаги ўтли шеърий сатрлар қоғозга тўкилади:

Беҳбудийнинг очган қайнар булоғисан,
Бобом ёққан тафаккурнинг чироғисан,
Не чироқ-ки, ҳақгўйликнинг яроғисан,
Сен тарихнинг кўзгусисан,
«Зарафшон»им,
Самарқанднинг шонли йўли,
шараф-шоним.

«Зарафшон» ҳаётимизнинг беғубор кўзгуси. Ўтган йиллар ичида газета бошқа нашрлар қатори халқимизнинг маслакдоши, сирдоши ва беминнат ёрдамчиси бўлиб келаётганини қалбан ҳис қиламан. Газета бугун ўзгача қиёфа касб этмоқда. Ёритилаётган мақолаларнинг долзарблиги, ўқимишлилиги, мулоҳазаларга бойлиги билан муштарийлар эътиборини ўзига жалб этмоқда . Чоп этилаётган ижодий намуналар, шеърлар, ҳикоя-ю масалларни ўқиб, завқшавққа тўламан. Ўзим ҳам умид ва ишонч билан севимли нашримизга мақолалар, шеър, масал ва фардларимдан намуналар йўллайман. Улар ёритилганидан қалбим нурга тўлади.

«Зарафшон» халқимиз ҳаётига эзгу ўзгаришлар ясаётганидан фахрланаман.

Солижон ХУДОЁРОВ,
Нуробод тумани.

Мулоҳаза учун мавзу

Ўқитувчилар нега МАҚОЛА ёза олмайди?

Ҳар куни таҳририятга икки-уч нафар ўқитувчи газетага мақола бериш учун келади. Айримлари нималарнидир қоралаб келган бўлса, бошқалари қайси мавзуда мақола ёзишни маслаҳат сўрайди. Бировлари интернет сайтдан ёки китобдан кўчириб ҳам келади. Хўш, ўқитувчига мақола ёзиш нега керак?

Аввалига мен ҳам ўқитувчиларнинг "Мақола чиқаришим керак экан", деганига тушунмадим. Билсам, ўқитувчи дарс соатидан ташқари устама пули олиш учун газетада мақоласи чиққан бўлиши керак экан... Шу кунларда ўқитувчиларнинг "Газетада фамилиям чиқса бўлди", "Ўзингиз бирон нима ёзиб беринг", деган илтимослари кўпайиб кетди. Эътибор қиляпсизми, ўқитувчига мақоласи ортида манфаат бор. Аммо у қандай мақола, биров ўқийдими-йўқми, қизиғи йўқ. Бундай кўзбўямачилик кимга керак?

Тўғриси, ҳамма ўқитувчи ҳам мақола ёза олмайди. Нари борса она тили ва адабиёт, тарих, чет тили фани ўқитувчилари мақола ёзиши мумкин. Тўғри, уларнинг ичида ўз фикрини эркин ифода эта оладиган, баъзида таълим соҳасида биз билмайдиган долзарб мавзуларда ижод қиладиган ўқитувчилар бор. Аммо улар бармоқ билан санарли.

Бир неча ой аввал таҳририятга бир ўқитувчи келиб, кимё фанидан дарс бериши, ўқувчиларни кимё фанига қизиқтиришдаги тажриба ва маҳорат ҳақида гапириб берди. Мақсади газетага мақола чиқариш экан.

- Кимё фанини ўқувчилар негадир унча ёқтиришмайди, балки ўқитувчи фанни яхши тушунтира олмас? Сиз ҳақиқатда дарсни аъло даражада ўтиб, ўқувчиларингиз кимё фанини яхши ўзлаштира олаётган бўлса, шу ҳақда мақола тайёрланг. Бу мавзу ҳамма учун қизиқ,-дедим.

Ўқитувчи аёл хўп, деб кетди, аммо ҳанузгача келмади. Худди шундай ҳолат математика фани ўқитувчиси билан ҳам содир бўлди.

- Математикадан дарс бераман, газетага қандай мавзуда мақола ёзсам бўлади? – деди Тойлоқ туманидан келган ўқитувчи аёл.

- Болалар математикани бошланғич синфларда яхши ўзлаштиради, бироқ юқори синфларда мисол ва масалаларни ечишга қийналади. Хўш, нима учун? Шу ҳақда мақола ёзиб келинг.

- Мен ўқитаётган катта синф ўқувчилари мисол ва масалаларни қийналмай еча олади, - деди у ишонч билан.

- Ундай бўлса, мана шу тажрибангизни бошқаларга ҳам улашинг. Математикани севиш учун қандай интерфаол дарс усулларидан фойдаланасиз? Шулар ҳақида ёзинг.

Афсуски, математика ўқитувчиси ҳам қайтиб келмади. Аслида, маҳоратли ўқитувчи учун ўз тажрибаси ҳақида ёзиш қийин иш эмас. Маромига етказиб мақола ёза олмаса ҳам, ўқувчиларни фанга қандай қизиқтираётгани ҳақида ёзса бўлади-ку? Нега айрим ўқитувчилар ўзлари айтаётгандек маҳоратли дарс бера олса ҳам, фикрини ифода эта олмаяпти?

Бугун ўқитувчидан устама пули олиш учун мақола ёзиш талаб қилинаётган экан, бу ҳам бежизга эмас, албатта. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган, янгича дарс ўтишга ҳаракат қиладиган, бу йўлда тинмай изланадиган ўқитувчигина устама олишга ҳақли. Айримлар нега ўқитувчининг тажрибаси инобатга олинмаяпти, деб эътироз билдирмоқда. Тўғри, ўқитувчи анча йилдан буён ушбу соҳада меҳнат қилар, бироқ у аллақачон ўз устида ишлашни йиғиштириб қўйган бўлса-чи?

Ҳозирги замон ўқитувчидан мақола ёзишни талаб қилмаяпти, балки мажбур қиляпти. Ўқитувчи мажбур бўлиб ўз устида ишласин, сифатли дарс ўтсин, деган мақсадда бу тартиб амалиётга жорий этилмоқда. Афсуски, баъзи ўқитувчилар буни бошқача тушуняпти. Аслида "5" баҳога иншо ёза оладиган мактаб ўқувчиси ҳам ўз фикрини баён эта олади. Қизиқ, ўз фикрини қоғозга тушира олмаётган ўқитувчилар иншони неча баҳога ёзаркан?

Бир томондан уларни ҳам тушуниш керак. Сабаби, йиллар давомида ўқитувчидан сифатли дарс ўтиш талаби ўрнига, уларни мажбурий меҳнатга жалб этдик. Олтинга қиммат вақтларини бошқа нарсаларга сарфладик. Натижада ўқитувчи газета, журнал ўқимай қўйди, ўз устида ишлашни йиғиштирди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Маънавият сабоқлари

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан учрашувга бордик. Уйдаги саранжом-саришталик, озодалик, тарбияланувчиларнинг меҳр оғушидалиги ҳавасимизни келтирди. Бизни кўриб уч-тўрт ёшлардаги жажжи қизалоқ «Ура, ойим келдилар», деб ҳамкасбимиз Мунирахонга қараб югурди. Уни қучоқлаб, «Сиз менинг ойимсиз-а, уйга олиб кетасиз-а», деб чулдиради.

Она меҳри

- Ҳар куни йўлга термулиб, ойисини кутади, - деди тарбиячи. - Яхши эслолмайди. Қандай аёлни кўрса ойим келди, деб ишонади.

Кўзлари жиққа ёшга тўлган Мунирахон Шаҳлони юз-кўзларидан ўпиб зўрға бағридан ажратди.

- Келганига икки йил бўлди, - деди тарбиячи. - Ота-онаси ажрашган. Бири Дубайда, бири Туркияда. Қизалоқ тирик етим.

Меҳрибонлик уйида ота-она меҳрига зор бўлиб, ҳар куни уларнинг йўлига умидвор кўз тиккан Шаҳлога ўхшаш болакайлар кўп. Улар давлатимиз ғамхўрлиги, меҳрибон тарбиячилар оғушида ҳеч нарсага зориқмай ўсяпти. Аммо ота-она меҳри етишмайди. Ачинарлиси, кўпчилигининг ота-онаси тирик, ҳаётнинг қоронғу сўқмоқларида ўз ҳаловатларини қидириб кетишган. Бундай тошбағир кимсаларни инсон дейишга ҳам тил бормайди. Ҳатто, тилсиз жониворлар ҳам ўз боласини меҳр билан ялаб-юлқайди.

...Болалигимда ўзим гувоҳи бўлган воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Дарғомсой атрофи паст-баланд тепаликлардан иборат бўлиб, мол боқишга жуда қулай эди. Биз, молларни пастга ҳайдаб юбориб, ўзимиз тепаликда чиллак ўйнардик.

- Мурод, қара, сигиринг, - деди Турсун чиллак таёғи билан пастликни кўрсатиб

Яйловда ёввойи қашқа, йўнғичқа кўп бўларди. Сигир ўшандан еб қорни дамлаб кетибди. Уйга қараб ҳансираб кетаётган говмишнинг орқасидан югурдим. Оғилда ўн беш кунлик бузоқчаси қолган эди. Етиб келиб бузоқчасини меҳр билан ялаб-юлқади. Мунгли кўзлари ёшланиб, боласи билан видолашаётгандек қаттиқ бўкирди. Бузоқча онасига нима бўлганини тушунмай қоп-қора мунчоқ кўзларини жовдиратиб пинжига тиқилиб, эркаланиб суйкаларди.

- Мурод, чоп Халил бувани чақириб кел, пичоғини олиб келсин, - деди бувим.

Сигир гурсиллаб йиқилди. Халил бува етиб келганда кеч бўлганди. Говмишнинг кўзлари боласига қараб қотиб қолганди. Боласи билан охирги марта видолашиш учун яйловдан жон талвасасида югуриб келган жониворнинг боласига бўлган меҳри ҳамон мени ҳайратга солади.

Меҳрибонлик уйидан қайтар эканмиз ўша воқеа ёдимга тушди. Ортимиздан жовдираб қараб қолган болаларни кўриб беихтиёр кўзимга ёш келди.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 156 нусхада чоп этилди. Буюртма 63

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009